

---

## ФАРҒОНАДАН ЯНА БИР КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ ВА 5 МЛРД СЎМ АЖРАТИЛДИ

Бугун, 3 май куни эрта тонгда қурилиш материаллари ортилган 47 та катта ҳажмли оғир юк машиналари карвони Фарғонадан Сирдарёга жўнатилган эди. Унда цемент, шифер, қурилиш ойнаси, ювилган қум, пишган ғишт каби қурилиш ишлари учун бирламчи зарур материаллар бўлган. Куннинг икинчи ярмида эса озиқ-овқат маҳсулотлари юкланган машиналар карвони фарғоналикларнинг ёрдами сифатида Сирдарё вилоятига юборилди.

Шундай қилиб, кеча ва бугун Фарғонадан Сирдарёга 1 млрд 59 млн сўмлик хайрия ёрдами жўнатилди. Бундан ташқари халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши маҳаллий бюджет қўшимча маблағлари ҳисобидан 5 млрд сўм Сирдарё вилоятидаги табиий офатни бартараф этиш жамғармаси ҳисобига ўтказиб бериш ҳақида ҳам қарор қабул қилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмат Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-05-04 09:47:30